• ХАЛҚ НОМЗОДЛАРИ •

18 ФЕВРАЛЬ — ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛИГИ ВА МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРИ ДЕПУТАТЛИГИГА САЙЛОВЛАР КУНИ

# ОТИНИ БОШҚА ҚЎЙМАГАН ЙИГИТ

ШУ КЎНЛАРДА депутатликка номзодлар тўғрисида ёзиш осон бўлмай қолди. Чунки, уларнинг ҳақиқий қиёфасини очиб бериш талаб этилади. Ҳақиқий қиёфа эса баъзан ундоқ, баъзан бундоқ. «Одамнинг оласи ичида» деган нақл бежиз айтилмаган чоғи. Шу маънода сайловчилар баҳосидан келиб чиқилса, тўғрироқ бўларов... Сайловчилар — бу халқ. Халқ эса камдан-кам адашади.

Ҳозирги пайтда бир-икки йилнинг ўзиёқ кимнинг кимлигини яққол кўрсатиб қўймоқда. Одамлар дардига қулоқ солган кишиларни ардоқлашмоқда, эл ҳаётидан бехабар лоқайд кимсалардан юз ўгиришмоқда. Одамлар дардига қулоқ солиш санъати эса жуда мушкул вазифа. Бир-икки ҳафта ичида сочга оқ оралаб қолиши ҳеч гап эмас.

...Улуғбек 1987 йилнинг ташвишли илк баҳорини яхши эслайди. У авваллари бинойидек лавозимларда — «Узсельхозтехника»нинг ноҳия бирлашмасида катта инженер, бош инженер, раис-бошқарувчи, Оҳангарон ноҳия партия комитетининг бўлим мудири сифатида ишлаган бўлса ҳам «Оҳангарон» совхозига раҳбар бўлиб келгач, бироз шошиб қолди. Уни одамлар чеҳрасидаги сўлғинлик, фаоллар хатти-ҳаракатидаги боқибеғамлик, умумий ҳаётдаги тушкунлик ўйлантириб қўйди... Хўш, халқ нега норози? Ўрта бўғин раҳбарлари нима учун истиқболга ишонишмайди? Далада меҳнат қилаётганларнинг нечун елкалари қисиқ? Нега?.. Нега?..

Бундай маккор саволларга жавоб топиш қийин эди. Ҳар ҳолда ёш бўлса ҳам ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрган эмасми, ҳадемаёқ директор баланд-пастликларнинг азмойишини пайқаб олди... Одамлар чеҳраси сўлғин, чунки улар ўз ҳаётларидан, яшаш шароитларидан рози эмаслар. «Қора қозон» қайнашининг мазаси йўқ. «Қозонда «жиз-биз» бўлмаса, оилада ҳам «сиз-биз» бўлмайди. Қозон масаллиғи эса маблаққа боғлиқ. Маблаг эса меҳнатга.

Бир ёқда уйлар муаммоси денг. Ўсал хастага ўхшайди. Бир хонадонда етти-саккизталаб оила турса. Дардисарлик, сарсон-саргардонлик... Жой солишмоқчи бўлса ер бўлмаса. Қурилиш материаллари эса анқонинг уруғи. Уй тугул бостирманинг иложи йўқ.

Ичимлик суви деб, зориллаб юрганлар сон-саноқсиз. Хўжалик худудидаги йўлларнинг «афти-башарасига» қараб бўлмайди. Ўйдим-чуқур, ҳаммаёқ абжақ. Ёзда чангга тўйдиради, қишда балчиққа ботиради.

Уйда чироқ ёнмаса, у гўристон билан баробар. Совхоздаги электр симёғочлари қийшайган, нурай деб туришибди. Қувват узатадиган симлар баайни болакайларнинг «арғимчоғи»... Болаларнинг чирқиллаши-чи: мактабда уч сменада ўқишаркан, боғчада емиш-ичиш ҳам номигагина... вой-вўй... Қайси замонда яшаяпмиз, ўзи!...

Улуғбек ўйлаб ўйига етолмасди... Бу — катта деганлариям амалга маз бўлишиб юраверишган экан-да. На иқтисодиётда «жон бор», на турмушда ҳузур-ҳаловат. План деган нарсанинг кетидан қуваверишибди-да. План бажарилса, бас. Қолгани бир пул. Шундай қилиб, «юқоридагилар» га ёқишган. Яшаш, турмуш масалалари қоғозни қоралаш учунгина тилга олинган.

Йўқ! Бундай яшаб бўлмайди. Улуғбек енг шимарди. Енг шимарди-ю, бир зум юраги шув этиб кетди... Муаммоларнинг охирига ета олармикин?! Етади, етмаса отини бошқа қўяди! Олишади, жанг қилади, ўзини ўтга, сувга уради, аммо, охирига етади. Планлар бажарилмаса бажарилмасин, бироқ, одамларнинг ҳаётини яхшилайди. Унинг азму-қарори, виждони олдидаги қасамёди шундай бўлди.

...Икки йил ҳам орадан ҳув этиб ўтиб кетди. Хўш, ишлар нима бўлди, денг. Юз фоиз бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда, Улуғбек мўлжаллаган тадбирларининг кўпчилигини амалга оширди. Энг муҳими, юртдошлар чеҳрасига қувонч югурди, юзларида табассум пайдо бўлди. Келажакка ишонч туғилди. Тартиб-интизом изга тушди. Меҳнат аҳли яхши ишлаб, яхши топадиган бўлди. Емиш-ичиш маромига етди. Қора қозон гўшт кўрди, мой ялади. Буларнинг боиси шу бўлдики, меҳнаткашларнинг ойлик маошлари туппа-тузук бўлиб қолди. Айтайлик, ўтган йил якунларига кўра Жамол Файзиев 8600 сўм, Маҳмуд Қўшоқов 4120 сўм, Суннат Қўшоқов 3907 сўм, Гулбаҳор Тожибоева 3045 сўм пул олишди. Бундайлар жуда кўп. Ижарачилар совхоз бўйича 1 миллион 100 минг сўм ошиқча даромад қилдилар.

Неча-неча йиллардан буён одамлар «уй тўйлари» деган гапни унутишиб юборган эди. Шукрки, бу сўзлар яна катта-кичикнинг тилига кўчди. Ҳамён бақувват бўлгач, қўл ҳам узун бўлар экан. Биз айтганимиз — Жамол ота Файзиевнинг ўн бир нафар фарзанди бор. Яқин ўртада уларнинг тўққизтасига уй-жой солиб, «бўлак» қилиб чиқарди. Етти фарзанднинг отаси Зоир Тоиров ҳам шундай қилди. Уч ўғлининг «машмашаси»дан қутулди. Исроил Ғофуров саккиз фарзанддан тўрттасининг «доди»га етди... Қисқаси, совхознинг Қорахитой, Охунбобоев, Унгут, Тут участкаларида 257 хонадонга уй қуриш учун ер ажратиб берилди. Буни қарангки, тўй тўйга уланяпти.

Ҳали айтганимиздек, муаммолар «касали»га ижара деган нарса малҳам бўлди. 2,5 минг гектар суғориладиган, 430 гектар лалми ерлар, 7 минг гектар яйлов, 2 минг қорамол, 12 минг қўй ижарага берилди. 110га яқин ижарачи шартнома асосида ишлаб туришибди.

Шу орада сувга ёлчимаганлар сувга ёлчишди. Ўтган йили 60 минг сўм сарфлаб, беш қишлоқда артезиан қудуқлари кавланди. 83 фоиз одам тўлиқ таъминланди, яқинда юз фоиз бўлади. Электр тармоқларига ҳам сон тегди. 47 километрлик ички тортилмаларнинг кўп қисми таъмирланди. 30—40 йил илгари қўйилган симёғочлар алмаштирилди. Ўтган йили янги қишлоқ врачлик амбулаторияси қурилди, 4 та ҳаммом ишлаб турибди. 1990—1991 йиллар ичида 40 дан ошиқ маданий-маиший объектларни қуриш режалаштириб қўйилди.

Болаларнинг қувончини айтмайсизми. Бу йил 1250 ўқувчига мўлжалланган янги мактаб-комбинат ишга тушади. Болалар боғчасидаги 700 нафар жажжиларнинг ҳам куни туғиб қолди. Улар совхоз фермаларидан келаётган гўшт, сут, тухумлардан жуда хурсандлар.

— Совхозимиздан ёшланглар безиб, шаҳар корхоналарига ишлаш учун кетиб қолишган эди, — дейди болалар боғчаси ходимаси Фотима Назарова, — бир йил мобайнида хўжалигимизга 200 дан ошиқ одам қайтиб келди. Уларни бағрига босиб, Улуғбек акамнинг йиғлаб юборганини ўз кўзим билан кўрдим...

Ҳа, ўзингнинг эзгу ишларингдан қониқиб, энтикиб, кўзга ёш олиш айб эмас. Икки йил ичида совхоз директори Улуғбек Иброҳимов анча иш қилди. Бундан унинг ўзи ҳам, омма ҳам мамнун.

— Энг муҳими отимни қайта қўймайдиган бўлдим, — дейди Улуғбек хазил аралаш кулиб, — бажарилган ишлар мўлжалдагиларнинг ҳаммаси эмас. Асосийлари олдинда. Кўп марта жангга киришга тўғри келади, ҳали. Халқимга хизмат қилиш қалбимга ҳузур-ҳаловат, ором бағишлайди, агар билсангиз...

Тўғри. Халққа хизмат қилиш — буюк бахт. Халқ ҳам ўз навбатида яхшиликни унутмайди. Бунинг исботи сифатида 83-Қорахитой мавзеси сайловчилари Улуғбек Иброҳимовнинг номини яқинда тилга олиб, уни Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар. Муқобил яна тўрт номзод — Будённий номли совхоз ижарачиси Малика Умрияева, Эйвали махсус темир-бетон комбинати директори Турмуҳаммад Ботиров, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг масъул ходими Ирисмат Абдукаримов, Куйбишев номли совхоз ижарачиси Абдумутал Самиддиновлар қатори Улуғбек Иброҳимов ҳам номзод сифатида рўйхатга олинди.

Кимга овоз беришлик халқнинг ўзига хавола. Яхшилар ичидан энг яхшисини сайловчиларнинг ўзлари танлаб оладилар.

**У. РАҲИМОВ.**

# МЕҲНАТИ БИЛАН МАШҲУР

БЕКОБОД тарихига жуда кўп халқпарвар, меҳнатсевар инсонлар номи ёзилган ва ёзилажак. Улар орасида меҳнати, ташаббуси билан жумҳуриятда машҳур автотранспортчи, фаол коммунист Ҳабибулло Абдужабборов номи ҳам албатта бўлади. Чунки, ҳалол ишлаш, ҳаётда бошқаларга намуна кўрсатиш ана шундай ҳурматга, эъзозга арзигулик хислатдир.

Халқ ўзи севган, ҳурмат қилган фарзандини давранинг тўрига ўтқазади. Чунки, бундай кишилар халқнинг қувончини, дардини, уни қийнаётган муаммоларни бошқалардан кўра яхшироқ ҳис этади. Худди шунинг учун ҳам 16-автокорхона ҳайдовчилари бригада бошлиғи Ҳабибулло Абдужабборовни 71-Фарҳод сайлов мавзесидан, Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатишган бўлса ажаб эмас...

Ҳабибулло 1957 йилда ҳозирги 16-автокорхонага мойловчи бўлиб ишга кирган эди. Шофёрлар, кейинроқ автомеханиклар курсида ўқиди. Бундан ўн саккиз йил аввал уни бригадирликка тайинлашганда, жумҳуриятда биринчи бўлиб автотранспортда бригада пудратини қўллаш ташаббуси билан чиққан. Унинг бригадаси 1974 йилдан меҳнатни ташкил этишнинг пудрат усулида ишлай бошлади. Пудратдаги муваффақиятлари эвазига у автотранспорт соҳасидаги Титов номли Бутуниттифоқ ва вилоят касаба уюшмалари кенгаши мукофотлари лауреати бўлди.

Автокорхонага бориб қолсангиз, Абдужабборовлар сулоласи ҳақида, албатта, гапириб беришади. Беш оғаини шу ерда ҳайдовчилик қилган ва қилмоқда. Қаҳрамонимизнинг ўғли ва жиянларининг ишлаган йилларини ҳам қўшиб ҳисобланса, роса 200 йил бўлар экан. Бу айтишга осон, чунки, айрим вақтларда уч-тўрт соат юк автомашинаси кабинасида юриб, ҳориб қоламиз. Саккиз соатлаб тоғ йўлида «КРАЗ», «МАЗ» маркали машиналарда 30 йилдан ортиқ ишлаб келаётган Ҳабибулло Абдужабборовнинг иродасига тан бериш керак.

Ҳ. Абдужабборов жумҳурият халқ депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинганлиги муносабати билан ундан бир неча саволимизга жавоб беришини илтимос қилдик.

**— Ҳозирги сиёсат, мамлакат аҳволи тўғрисидаги фикрингиз қандай?**

— Қайта қуриш олдинроқ бошланиши керак эди. Лекин уни бирданига, беш қўлни оғизга тиққандек эмас, аста-секин, аввал партиянинг ўзидан, кейин иқтисод ва тартибда амалга ошириш керак эди, менимча. Ана шунда бугунгидек, танг аҳволга тушмасдик. Мамлакат тўла демократияга ҳали тайёр эмас экан, оқибатда ҳар хил низо, ўзаро жанжаллар чиқиб турибди. Ошкоралик эса ҳақиқат учун хизмат қилади.

**— Шаҳримизда яшовчиларни қандай муаммолар қийнаб келаяпти?**

— Инсон учун энг зарури — тоза ҳаво, сув, озиқ-овқат ва уларга боғлиқ бўлган соғлиқ. Шундан келиб чиқайлик: цемент комбинати ва металлургия заводи цехларидан чиқадиган заҳарли тутун саломатлик эгови. Экологик аҳволни яхшилаш жуда зарур. Ичимлик сув таъминоти, хонадонларни иситишдан халқ хурсанд эмас. Бекободнинг бир четида саломатлик шаҳарчаси қуриш керак. Озиқ-овқат таъминоти, рўзғорбоп истеъмол моллари талаб-эҳтиёжни қондирадиган даражада бўлиши учун ҳаракат зарур. Йўлларимиз бугунги кун талаби даражасида эмас. Хусусан, маҳалламиз, яъни 5-участкани оладиган бўлсак шаҳардан ажралиб қолган. Ана шулар ҳақида қайғуриш вақти келган.

**— Агар сиз депутат бўлсангиз яна нималар ҳақида қайғурардингиз?**

— Халқимизнинг турмуш даражасини кўтариш, маънавиятини юксалтириш, одамлар орасида меҳр-оқибатни ошириш — мана шулар асосий вазифам бўлади. Сайловчилар қандай наказ берса кучим етганча бажаришга ҳаракат қилардим.

**С. АБДУҚОДИРОВ,**
**номзоднинг ишончли вакили.**

# БИРИНЧИ ВАЗИФА — ХАТОНИ ҚАЙТАРМАСЛИК

155-Қорақалпоқ сайлов мавзесидан вилоят халқ депутатлигига номзоди кўрсатилган Умар Нуров узоқ йиллар Паркент ноҳиясида шофёрлик қилди. Сўнг ноҳиядаги автомотоҳаваскорлар жамиятига бошлиқ қилиб тайинланди ва ишчанлиги сабаб, бу ердаги аҳволни яхшилай олди. Албатта, бу ҳол Умарга депутат сифатида баҳо бериш учун камлик қилади. Бундай мезон унинг дастуридир. Номзод қандай депутатлик ҳаракатномаси билан чиқаяпти?

Аввало, ноҳия меҳнаткашларининг турмуш даражасини яхшилаш режаларини дастурнинг асоси, деб ҳисоблаш мумкин. Бунинг учун эса ноҳиянинг бюджетини кўпайтириш йўлларини излаш керак бўлади. Кўп нарса иқтисодиётга келиб тақалади. Паркентлик деҳқонларнинг турмушини яхшилаш учун узумга тўланадиган ҳақни кўтариш лозим. Деҳқонга ер ва эрк керак. Номзод узумга тўланадиган нархни 1990—91 йиллардан кечиктирмасдан 60—70 тийинга кўтариш кераклигини уқтиради.

Қишлоқларимизда газ, ичимлик суви танқис. Газлаштириш ҳозиргидек давом этадиган бўлса қишлоқларга яқин орада газнинг бориши даргумон. Ширкатчилик асосида газлаштириш авж олиб кетди. Лекин бу нарса халқнинг моддий аҳволига ёмон таъсир қилаяпти. 80—90 сўм мояна оладиган ишчи газлаштириш учун 1000 1500 сўмгача тўлашга мажбур бўлаяпти.

Дастурдаги яна муҳим масалалардан бири — инсоннинг саломатлигини муҳофаза қилишдир. Оналарнинг иш шароитини яхшилаш, уларнинг иш соатларини камайтиришга эришмоқ Умар Нуровнинг ҳаракатномасидаги муҳим бандлардан бири ҳисобланади. Вилоятда сариқ касали кўп. Бунинг сабабларини ичимлик сувларимизнинг ёмонлиги, гўшт, сут, тухумнинг етишмаслиги, совун, кир ювиш воситаларининг тақчиллиги, экологиянинг бузилганлиги билан боғлаш мумкин.

Албатта, бу муаммолар авваллари ҳам бор эди ва авваллари ҳам депутатликка номзодлар уларни тузатиш юзасидан наказлар олишарди, лекин ҳамма нарса аслидагидек қолаверарди. Умар Нуров депутат бўлиб сайланганидан сўнг бошлайдиган биринчи иши мана шу хатони такрорланишига йўл қўймасликдир.

**Т. ДЎСМАТОВ.**

# ЯЛАНҒОЧ ЧАҚАЛОҚ

**— Тошкент шаҳар тиббиёти ҳозир шундай аҳволда, уни ювинтириб-кийинтирмагунча курашавераман, — дейди Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи Қ. РИЗАЕВ**

— ҚУЛАҲМАД Тошпўлатович, сиз билан бу суҳбатни роса икки йилдан бери режалаймиз, лекин вақти-соати бугун экан. Муддат чўзилишига кўпроқ сизнинг бандлигингиз ва менинг ортиқча тезламаганим сабаб. Ўзбекистонда, Тошкентда тиббиётнинг аҳволи ҳақида кўп гаплашганмиз, сиз ёмон аҳволнинг илдизлари қаердалигини аниқ биласиз. Бошқа томони, пастдан туриб юқоридагиларнинг хато-камчилигини кўрсатиш осон, лекин уни тузатиш қийин. Энди ўзингиз шаҳар тиббиётига жавоб берувчи раҳбар бўлдингиз, бу нарса иккимиз илгари режалаган суҳбатга халақит бермайдими?

— Мутлақо!

— Раҳмат, шундай кайфиятни тарк этмаслигингизга умид қилганим учун ҳам мулоқотга келдим. Суҳбатни танқиддан бошламоқчиман. Шу йил 26 январь кунги газетамизда «Оғир бемор, соқов «03» ва масъулиятсиз раҳбарлар» сарлавҳали мақола эълон қилинди, шаҳар «Тез медицина ёрдами» хизматидаги жиддий нуқсонлар ҳақида. Муаллифи ўзим. Мен сиз парваришлаб-тарбиялаган 1-шаҳар касалхонаси тўғрисида мақтов мақола ёзганман. Сизни тиббиёт жонкуяри сифатида қаттиқ ҳурмат қилишимни билган одамлар орасида ажабланганлар ҳам бўлди.

— Мен сизни тушундим, Хабибуллохон, сиз «Қулаҳмад акани ҳурмат қилганим учун бутун шаҳар медицинасига тил теккизмаслигимиз керак экан-да» деган мазмунда жавоб бергансиз, тўғрими? Яшанг, тўғри қилгансиз. Қолаверса, ўша мақола нуқсонларни тугатишда бош бошқармага ёрдам ҳам эканини охирида таъкидлагансиз. Бу ҳам тўғри. Мен мақола чиққан куннинг эртасигаёқ «03» га алоқадор ҳамма катта-кичик раҳбарларни йиғдим. Ёрдам сўраб мурожаат қилган беморга ёрдам кўрсатмагани учун икки масъул ходим ишдан бўшатилди. Мен чала чоралар кўришни, матбуотнинг ҳаққоний танқидига номигагина жавоб бериб қўяқолишни ҳазм қила олмайман. Айни пайтда, фақат кадрларни ишдан бўшатиш билангина иш битмаслигини ҳам биламан. Айбдорларни қаттиқ жазолаш эса унинг ўрнига келган ва атрофдаги бошқа ҳамкасбларига ўрнак бўлади. Шу билан бирга, «Тез медицина ёрдами»ни мустаҳкамлаш учун бошқа қатор ташкилий ва моддий-техникавий чоралар белгиландики, бу тадбирлар мана бу буйруқда саналган. (Буйруқ газетанинг 3 февраль сонида эълон қилинди — Ҳ. О.).

— Демак, мақола ёрдам берди?

— Сўзсиз.

— Энди асосий мақсадга ўтайлик. Сизнинг Эски шаҳар ҳудудидаги 17 маҳалла ва «Марказ-26» даҳасини ўз қамровига олган 31-Ўзбекистон сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодингиз қўйилганини биламиз. Бироқ, оғир тегса кечирасиз, нега бу округдан номзод бир ўзингиз, рақибингиз йўқ? Бунақа йўл одатда халқнинг эътиборига лойиқ эмаслигини ўзи биладиган раҳбарларга хос, шунинг учун улар сайловга рақибсиз кириб боришга уринадилар. Сизни эса халқ икки қўллаб сайлайди-ку!

— Яхши фикрдалигингиз учун раҳмат. Якка номзод бўлиб қолишимга мен айбдор эмасман, рақибсизликка ҳаракат ҳам қилмадим. Аввалига кўпчилик эдик, сўнг... бир ўзим қолдим: Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг биринчи муовини О. Асқаров Сергелидан сайланадиган бўлди, «Ёш гвардия» театрининг бош режиссёри Баҳодир Йўлдошев менинг фойдамга номзодини қайтариб олди. Шу.

— Сайловчилар билан учрашувлар қандай бўлаяпти, нималарни сўрашяпти, нималарни ваъда қиляпсиз?

— Мен сизларга СССР халқ депутатларига ўхшаб катта-катта нарсаларни ваъда қилмайман, — деяпман очиқ-ойдин. — Қасрлар қуриб беришни, квартиралар олиб беришни ваъда қилмайман, костюм-шим тиктириб бермайман. Мен бутун кучимни Эски шаҳарда, Тошкентда болалар ўлимини камайтиришга, сариқ касалига қарши курашишга сарфлайман. Бир марта фойдаланадиган шприцлар билан тиббиётни таъминлаш, бемор ўринларини кўпайтириш, ҳар бир шифохонани санитария нормаларига жавоб берадиган даражага етказиш, қолаверса шаҳарнинг ичимлик суви, ҳавоси тозалиги учун — экология учун кураш ҳам депутат вазифасига киради. Ўзбекистон туғилиш кўплиги жиҳатидан мамлакатда юқори ўринларда турса, Эски шаҳар Ўзбекистонда биринчи ўринда туради. Ҳомиладор аёллар учун шарт-шароитлар яратиш, онанинг ва туғилажак боланинг соғлом бўлишига кўмаклашиш — кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифалардан биридир. 1990—91 йилларда 250 ўринли янги болалар шифохонаси, ҳомиладор аёллар учун профилакторий-туғруқхона қуриб фойдаланишга топширилади.

— Қулаҳмад ака, булар яхши, керак. Бироқ, бемор муҳташам саройда ётгани билан шифокор ёки ҳамширанинг бир оғиз ширин, мададкор муомаласини эшитмаса... Янги биноларни қуриш мумкин, тиббиёт ходимларини қайта қуриш...

— Мен булар ҳақида гапирмоқчи эдим, илгариладингиз. Кеча, «ноль уч» мутасаддилари билан йиғилишда уларга ўз нуқтаи-назаримни айтдим: мен бугундан бошлаб сизларга қарши уруш эълон қиламан. Мурожаат қилган беморга лоқайдлик кўрсатган ёки қўполлик қилган ҳар бир ходим мендан яхшилик кутмасин. Мен ҳаётимда ўлиб ҳам кўрган одамман, ҳеч нимадан қўрқмайман. Бундан буён, биринчи навбатда бутун шаҳар ҳамшира ва шифокорларида барча беморларга меҳр-муҳаббат туйғуларини уйғотишга ҳаракат қиламан, ҳар бир касалхона ва поликлиникада ота-боболаримизнинг «ассалому алайкум»ини ўргатишга мажбур қиламан. Ҳа, мажбур қиламан. Ўрганмай кўрсин-чи! Бизнинг «ассалому алайкум» эсимиздан чиқиб кетди. Мана шу салом йўқ жойда қўполлик ҳам, лоқайдлик ҳам, юзсизлик ҳам туғилади. Салом кўп кулфатларни бартараф этади. Эътибор берганмисиз, кўчада ёмон иш қилиб турган бола ўзига яқинлашиб келаётган катта одамга «ассалому алайкум» дейиши билан уни койиш фикридан қайтасиз, койий олмайсиз. Ҳозир эса одамлар касалдан эмас, касалхонадан қўрқиб қолишган. Шифохоналардаги совуқ муомала, эътиборсизлик, шифокор ва ҳамшираларнинг беморга нисбатан нописандлиги шу даражага бориб етган. Албатта, ҳамма жойда ва ҳамма ходим эмас, ўз ишига меҳр-муҳаббат билан муносабатда бўладиган шифокор ва ҳамширалар мени маъзур тутсинлар.

— Қулаҳмад ака, бирнеча йиллар, бирнеча ўн йиллар давомида шаклланиб қолган инсон руҳиятини ўзгартириш мушкул иш эканлигини мендан яхши биласиз. Бу режангиз сезиларли натижа бериши учун қанча муддатни мўлжаллаяпсиз?

— Бир йил.

— Кам-ку. Қайта қуришнинг учинчи йили М. С. Горбачев қайта қуриш ўзи ўйлаганчалик осон иш эмас эканини тан олган эди, сиз бир йилда қандай қилиб тиббиётдаги онгни ўзгартирмоқчисиз?

— Мен бош бошқармага бошлиқ этиб тайинланганимга тўрт ой бўляпти. Шу давргача шаҳардаги жами 258 даволаш-профилактика муассасаларини айланиб чиқдим: эрталаб 7 дан кечқурун 7 гача, ҳар куни тўрттадан поликлиника ва шифохоналарга бордим, беморлар ва шифокорлар билан суҳбатлашдим. Иллатларнинг илдизи қаерда? Энг биринчиси, бу нуқсонлар район, шаҳар, республика партия-совет органлари раҳбарларидан яшириб келинган. Камчиликларни тугатиш бош врачга, район соғлиқни сақлаш бўлими ва ижрокомларга боғлиқ. Менга ишонч ва қувват бағишлаган нарса — Тошкент шаҳар, вилоят партия комитетларининг биринчи секретарлари Фозилбеков, Мамарасулов ўртоқлар, республика партия Марказий



Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов қўллаб-қувватлашяпти, тиббиётнинг ҳозирги аҳволи ва уни яхшилаш тадбирларини маслаҳатлашяпмиз, сўралган ҳар қандай ёрдамни беришмоқда. Мен эса ўз навбатида ўзимга бўйсунувчи бўлинмаларда ишни яхшилай оламан. Ҳар куни даволаш-профилактика муассасалари раҳбарлари билан гаплашиб, камчиликларини кўрсатиб, тузатиш йўлларини айтиб турсам, улар ҳам одам-ку — бажаради-да вазифасини. Буни уддасидан чиқмасам, мен амалдор бўлиш учун келмаганман бу вазифага, курсини бўшатиб чойхонада ваъзхонлик қилиб юравераман... Ўртоқ Каримов тўрт ой ичида тўрт марта тиббиёт билан қизиқиб, партия-совет ходимлари олдига вазифалар қўйди. Қолаверса, «Маҳалла» программасини бажариш асосида ҳам тиббиётни яхшилаш турибди.

Сайловчиларни безовта қилаётган яна бир нарса — «тез ёрдам»нинг ўзи тез ёрдамга муҳтож бўлиб қолганлиги. Кейинги уч ой ичида мавжуд 170 «тез ёрдам» машинаси ёнига 50 та машина қўшилди. Республика ҳукумати бу машиналарни эҳтиёт қисмлар, ёнилғи билан етарли таъминлаш чораларини кўрди. Бу йил тиббий олий ўқув юртларини битириб Тошкентга ажратиладиган барча ёш мутахассисларни «тез ёрдам»да ишлашга оламиз. Улар, албатта, тажрибали шифокорларга бириктиб қўйилади. Ҳозир бу участкадаги мавжуд ходимларнинг 70 фоизи шифокор, 30 фоизи фельдшер. Ёш мутахассислар ана шу фельдшерлар ўрнини эгаллайди. Бундан ташқари, врачлар малакасини ошириш институтида «тез ёрдам»да ишлайдиганлар учун икки ойлик курс очилди. ТошМИ ва малака ошириш институти ректорати «тез ёрдам»ни оталиққа олишди, домлалар ёш мутахассисларга доимий амалий ва назарий ёрдам бериб боришади.

— Депутат бўлсангиз, халқ хизматидаги фаолиятингизда социал масалалар ҳам бўладими?

— Бусиз мумкин эмас. Негаки, Эски шаҳар инқилобдан 70 йил кейин ҳам Эски шаҳарлигича ётибди. Кўп маҳаллаларда на газ бор, на канализация. Сайловчилар савол беришяпти: Ўзбекистон газини Европага беряпмизу, шундоққина «Москва» меҳмонхонаси ортида танчада ётаверамизми? Мен халққа Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети дастурини тушунтириб беряпман: 1990—1991 йилларда Эски шаҳар тўла газ билан таъминланади. Ўзим Чақарда, «Гулистон» маҳалласида туғилганман. Дадам урушдан чўлоқ бўлиб келган, онам ҳарбий заводда ишлаган, мен кунжара ҳам еганман. Мен депутат бўлсам-бўлмасам, қўлимдан келганча юқоридаги вазифаларни бажарган бўлардим.

— Лоқайдлик, ўзибўларчилик, беморлардан кўра кўпроқ ўзини ўйлаш психологиясини қандай йўқотасиз? Узр, яна бояги мавзуни такрорлаяпман. Сабаби — бу жуда оғир иш.

— Кеча Собир Раҳимов ноҳиясидаги 33-поликлиникага бордим. Учала қаватда жами 200 га яқин одам ўтирибди: ғамгин, кўнгли хира. Бош врачни чақириб айтдим: икки врач ёки икки ҳамшира навбат кутаётган одамлар олдига чиқиб, айни пайтда кенг тарқаган касалликлар ҳақида гапириб беришса, поликлиникадаги камчиликларни тугатиш тўғрисида беморларнинг фикрларини эшитишса бўлмайдими? Буни эшитиб турган одамлар дуо қила бошлашди... Деворлардаги бюллетенлар рус тилида. Нега? Ўзбек тили давлат тили бўлгани тўғрисидаги қонун сизларга тегишли эмасми? Нега булар жилла қуриса ярми ўзбек тилида эмас?

— Қулаҳмад ака, мен Сизнинг бутунлай қайта қурмаганингизда ҳам, тиббиётда сезиларли ўзгариш, Тошкент халқи сезадиган-кўрадиган ўзгариш қила олишингизга ишонаман. Буни юқорида эслатилган танқидий мақолада ҳам ёздим. Айни пайтда, назарингиздан четда қолган нуқсонларни газета кўрсатиб туришдан ҳам қайтмайди. Тошкент шаҳар тиббиётини танқид — Қ. Ризаевни танқид қилиш деган гап эмас. Чунки, Сизгача бу курсида бирқанча турли раҳбарлар ўтиришди. Уларнинг охиргиси

— сиздан олдингисига баҳо беришим мумкин: ўпкасини қўлтиқлаган бир ҳовлиқма йигит — Русинов Россиядаги бир шаҳарда поликлиниками ё касалхонанинг раҳбари экан холос. Уни икки миллионли шаҳар тиббиётига раҳбар қилиб олиб келишганига тушунмадим, бу ерда дастлабки фаолиятидаёқ йўл қўйган жиддий хатолари ҳақида ёздим ҳам. Шу одамнинг икки йил бу ўринда ўтирганини ҳали ҳам ҳазм қилолмайман. Демоқчиманки, кейинги икки йил мобайнида тикланиш ўрнига нураган деворларни ҳам сиз тиклашингизга тўғри келади.

— Бор кучимни бериб тиклайман. Русинов ҳақидаги саволга ўзингиз жавоб бердингиз, Хабибуллохон. Мен фақат битта қўшимча қилишим мумкин: мана бу жавондан икки яшчик арoқ-коньяк шишаларини опчиқиб ташладик. У эса келган юртига қайтиб кетган.

— Экстрасенсларга муносабатингиз?

— Одамлар кинначига ҳам ишонишадику! Ишонади ва ишонгани учун ундан наф кўради.

— Кашпировскийда бирон нима борми?

— Бор. Беш минг беморни ўргандик, улардан етти фоизига ёрдами тегибди. Бу жуда катта рақам. Лоақал бир кишига ёрдами тегса ҳам...

— Кўричакдан қолган чандиқни биткaзиб юборганига ишондингизми?

— Ишонаман. Қўшнимнинг бешта сўгали тушганига ўзим гувоҳ бўлдим. Бу — фан ҳали тубига етмаган, ўта мураккаб мавжудот бўлмиш Инсоннинг ҳали ақл етиб бормаган руҳияти билан боғлиқ хусусиятлардир.

— Тиббиёт, авваламбор, шифокор дегани. Сизнинг фикрингиз қандай — шифокор тайёрлашни тубдан ўзгартириш керак эмасми?

— Буюк ҳаким Ибн Сино, «Сен бир шаъмсан, бировларни ёритиб ўзинг ҳалок бўлишинг керак» деган эди шифокор ҳақида. Бизда ҳозир ана шунақа фидойи шифокорлар камайиб кетди. Фақат катта маошу катта обрў учунгина кандидатлик, докторлик диссертациясини ёқлаган шифокор олимлар истаганча топилади. Шундай қилиб, шифокор тайёрлашда 25—30 йил орқада қолганмиз. Мен оптимистман, истиқбол яхши бўлишига ишонаман, бунинг тадбирлари кўрила бошланди: Москва, Ленинград ва бошқа илғор олий ўқув юртларига маҳаллий кадрлар юборилипти, ўзимизда тиббий олий ўқув юртига қабулни такомиллаштириш устида ўйланяпти. Масаланинг яна бошқа томони бор: ёш ўзбек ҳамшира ёки шифокор аёлни кўз олдингизга келтиринг. Унинг уч-тўрт фарзанди бор. Она саҳар-мардонда туриб уларга чой тайёрлайди, улар қаторида «катта боласи» — эрини ҳам чой ичириб ишга кузатиши керак. Сўнг болаларидан бирини мактабга, учтасини етаклаб-кўтариб боғчага олиб боради. Кейин ишга келади. Касалхонадаги шароит ундан оғир: гоҳида тўрт ҳамширанинг иши биттасига қолиб кетади. Ишдан сўнг яна боғча, уй, овқат, кир-чир, супуриш-сидириш. Хўш, у бечора қачон тиббиётга оид китоб ўқисин, қачон билимини оширсин?!

— Рост гапингиз, лекин...

— Тушундим саволингизни. У туғишни камайтирсин демоқчи эмасман, бу ҳар кимнинг шахсий иши. Демоқчиманки, бизнинг эркакларимиз хотини эртага 100—200 беморнинг ҳаётига, саломатлигига жавоб бериши кераклигини мулоҳаза қиладиган бўлмагунча, аёл аҳволи оғирлигича қолаверади. Бу эса фақат тиббиётга тегишли эмас. Мен 25 йил аввал Бернорага уйланганман. Балериналигини билиб уйланганман. Ҳатто айрим дўстларим юз ўгиришган. Мен эса ҳар куни гул кўтариб театрга бораман. Кечқурун уйга келиб овқат сўрамайман. Борини амаллаймиз. Мақтанишга ўхшамадими бу?

— Йўқ, мисол-да, сиз ҳам ҳамма қатори бир одамсиз-ку, нега шахсий ҳаётдан мисол келтиришингиз мумкин эмас. Мен ҳатто сизнинг, қаттиққўл ва забардаст бир одамнинг... кўзингизга ёш келганини кўрганман. Роса икки йил ўнлаб комиссия 1-касалхонанинг астар-аврасини ағдариб, ҳечнима тополмаганини назарда тутяпман.

— Ўшанда икки йил бекорга қақшаган асабларим учун ўксинганман. Агар мендан 5 сўм «еб қўйди-ичиб қўйди» топганларида ёки бирон-бир аёл «манга тегишган» деб ёзиб берганида, оёғимни осмондан қилиб юборишарди.

— Сўнгги комиссия оқлов хулосасини ёзгач, бу узоқ аҳмоқона иш ҳақида газетага ёзишга рози бўлдингиз. Суҳбатга келишилган куни вақтингиз бўлмади. Кейин мен «вақт йўқлиги» баҳона эканини, мулоҳаза қилаётганингизни англаб, қистамадим. Энди, ўшанда йирик шахс (йирик амалдор эмас — Ҳ. О) майда ишлардан юқорироқ турганини тўлиқроқ англаяпман.

— Раҳмат. Мен бу баҳони қарз деб қабул қиламан. Ҳозир эса ишлаш, ишлаш ва яна ишлаш керак. Бугунги шаҳар тиббиёти ташлаб кетилган чақалоқ болага ўхшайди. У яланғоч, қорни оч. Биров сўрғич ҳам бермаган, овутмаган ҳам. Унинг қорнини тўйдириб, ювинтириб-кийинтириб чиройли қилиб пойтахт шаҳар халқига кўрсатиш даркор: «мана Сизнинг фарзандингиз, бунинг исми — Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси». Мақсадим — шуни айтиш. Айтмагунча ишлайвераман, курашавераман.

— Раҳмат. Мухбирнинг қалами, газетхонларнинг қулоғи бу каломга муштоқ: буни ёзишни, эшитишни кутади.

**Суҳбатдош: Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ.**

АКС САДО

# АВВАЛ ЎЗИНГГА БОҚ...

## Адабиётшунос олим Матёқуб Қўшжоновга очиқ хат

ҲА, СИЗ дўстим ва ҳамкасбимга хат билан мурожаат қилиш ниятим йўқ эди. Ўртамизда пайдо бўлган баъзи мунозара ва келишмовчиликларни бемалол ўтириб, баҳслашиб, ҳақиқатни рўёбга чиқармоқчи эдим. Лекин сиз бунга имконият бермадингиз. Журнал ва газеталарда, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг йиғинларида, турли учрашувларда деярли бир мазмундаги гапларни ёзавердингиз, айтавердингиз, мени қоралашни давом эттиравердингиз. Мени маданий меросимизнинг душмани сифатида кўрсатиб, жамоатчиликни чалғитмоқчи бўлдингиз. Миллий меросимиздаги чалкашликларни асосан менга боғлаб қўймоқчи бўлдингиз.

Қайта қуриш, демократияни кучайтириш ва ошкораликка кенг йўл очиш жамиятимизда улуғвор аҳамиятга эга. Лекин айрим одамлар ҳам топилдики, улар янгиланиш ниқоби остида совет воқеълигига шикаст етказадиган салбий нарсаларни кўтариб чиқдилар, ғаразгўйлик ниятларини амалга оширмоқчи бўлдилар, кўнгилларига ёқмаган одамлардан ўч олиш, ҳар хил баҳоналар билан уларни камситиш йўлларига ўтдилар. Айниқса, эркин фикрлаш баъзи ҳасадгўйларга жуда қўл келиб қолди. Улар мияларига келган нарсаларни ёзмоқдалар, оғизларига келган гапларни айтмоқдалар. Бундай хатти-ҳаракатлар қайта қуриш заминига болта уришга, олижаноблик билан бошланган ишимизни жамоатчилик олдида беобрў қилишга хизмат қилади, холос.

Ҳозирги қайта қуриш вақтида энг улуғ нарса — ҳаққонийлик. Қаерда ҳаётимизнинг шу асосий принципи бузилса, ўша ерда орқага кетиш бошланади. Бу талаб, айниқса, адабиётимизга, унинг ҳақидаги фанимизга жуда ҳам тааллуқлидир. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, сизнинг адабий-илмий фаолиятингизга бир нигоҳ ташламоқчиман.

Шубҳасиз, сиз, фаол адабиётшуносларимиздан бирисиз. Ўнлаб монографиялар, юзлаб мақолаларнинг муаллифисиз. Ўз тадқиқотларингизда адабиётимизнинг муҳим масалалари, чигал муаммоларини қўйгансиз ва уларнинг кўпини асослаб бергансиз. Айниқса, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек ижодларига бағишланган китобларингиз таҳсинга сазовор. Лекин шундай катта ишлар билан бирга айрим сизга ярашмаган, ҳақиқий қиёфангизга соя соладиган «қилиқлар» ҳам қилиб қўяяпсиз-ки, буларнинг баъзилари ҳақида ачиниб гапирмасдан ҳеч иложимиз йўқ.

Гап Абдулла Қодирий, Ҳамза, Чўлпон, Фитрат ва уларга боғлиқ бўлган жадидизм оқими устида кетаяпти. Сиз бу масалани кўтариб тўғри иш қилгансиз. Улар тўғрисидаги ҳақиқат эртами-кеч тантана қилиши лозим. Бу йўлда сизнинг мақола ва тадқиқотларингиз янгича фикрлашга туртки беради. Ҳамма гап уларга боғлиқ бўлган турлича қарашларни жамоатчиликка тўғри етказишда. Сиз эса бу масалаларни ёритишда холисликни ҳамиша ҳам сақлай олмаяпсиз. Агарда тилга олинган воқеаларнинг ҳаммасига тўғри кўз билан қараганингизда, ўзингизнинг илмий фаолиятингизга ҳам танқидий ёндошганингизда олам гулистон эди. Хусусан Абдулла Қодирий меросини ўрганиш соҳасида қилинган айрим ишларни баҳолашда адолатни сақлай олмаяпсиз. Бундан ярим аср олдин атоқли адибнинг ўзи ва асарларига бўлган ҳужумларни тилга олиб, М. Шевердин, С. Ҳусайн, Ж. Шарифий, О. Шарофиддиновларни қоралайдингиз. Бу материалларнинг ҳаммасини Ш. Турдиевнинг «Абдулла Қодирий меросини ўрганиш тарихидан» («Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари», 2-китоб, Тошкент — 1961) мақоласидан кўчириб олганлигингизни гапириб ўтирмасдан, масаланинг бошқа томонига диққатингизни қаратмоқчиман. Сиз уларни ҳозирги кун нуқтаи назаридан келиб чиқиб тўғри танқид қилгансиз. Лекин ёзувчи ва танқидчиларни ўша замин ҳамда замондан узиб олиб, уларни шундай нотўғри хатти-ҳаракатга бошлаган омилларга тўхталмагансиз. Ахир ўзингиз ҳам бир неча бор таъкидлаганингиздай, ҳеч бир ижодкорни ўз маконидан айирган ҳолда таҳлил қилиб бўлмайди, бу нарса бирёқламаликка олиб бориши муқаррар-ку!

Очиғини айтишимиз керакки, ўша қора кунларда давр билан боғлиқ бўлган хатоларни қилмаган йирик адибни кам топа оламиз. Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Комил Яшин ва Уйғуннинг ҳам айблари йўқ эмас. Лекин биз айб қилиб қўйдинг деб, ҳадеб уларга тош отаверамизми? Сиз шундай қарашлардан келиб чиқиб К. Яшиннинг бу соҳадаги фаолиятига тўхтаб ўтасиз. Тўғри, 1937 йилда адибимиз Абдулла Қодирий шаънига жуда қаттиқ гапларни айтган. Бутун бало шундаки, ўша даврда матбуот ҳам, жамоатчилик ҳам шундай фикрда бўлган. Барча Абдулла Қодирийни миллатчи, буржуа идеологиясининг намояндаси деб билган. Гарчи «миллатчи» бўлса ҳам қамаш лозим эмас эдику! Уни ёзувчилар сургун қилмаган-ку! Ҳозирги кунларда ҳам қалтис фикрлар баён этилмоқда. Аммо ҳеч ким қатағон қилингани йўқ-ку! Шу сабабдан ҳам А. Қодирийни танқид қилиб қоралаганларни эмас, уни ҳибсга олиб, ҳалок этган айбдорларга нафратимизни сочишимиз керак.

Ўзбекистон Давлат хавфсизлик комитетидаги ёзувчиларга оид материаллар билан чуқур танишиб чиққан «Правда Востока» газетасининг муҳаррири Р. Сафаров ёзган мақоласида Комил Яшин Абдулла Қодирий шахсиятига доир ҳеч қандай кўрсатма бермаганлигини, ҳатто, унинг номи ҳужжатларда эсланмаганлигини қайд қилиб ўтади («Правда Востока», 1989 йил 16 декабрь). Ҳа, ахир бу адибимизни оқловчи муҳим ҳужжат-ку! Нега бундай ҳақиқий ҳужжатга аҳамият бермайсиз?

Таъкидлаб ўтишимиз керакки, Комил Яшин ўз маъруза ва нутқларида, мақола ва очеркларида Абдулла Қодирийнинг улкан ижодий хизматларини бир неча бор юксак баҳолайди. Сиз объективликни сақлай олмай, бу ҳақиқатни ҳам четлаб ўтасиз. Абдулла Қодирийнинг қамалишида бевосита иштирок этган, кўрсатмалар берган айбдор адибларни тилга олмасдан К. Яшинни қоралаганингиз-қоралаган. Ҳа, бунинг ҳам сабаби бор: охирги вақтда бу атоқли драматургимиз сизнинг кўнглингизга ўтирмай қолди, йўлингизга юрмай, хатоларингизни баралла айтадиган бўлди, шунинг учун ҳам ёқтирмай, кир қидиришга шўнғиб кетдингиз.

«Ҳамза» романига, айниқса, «Оловли йўллар» кўп сериялик телефильмига ҳужумни астойдил бошлаб юбордингиз. Билиб-билмасдан «уйдирмалар» топиб, уларни балчиққа булғамоқчи бўлаяпсиз. Улардаги ижобий хусусиятларни айтиш сизга эриш туйилаяпти. Шу ҳам инсофданми? Илгари К. Яшинни кўкларга кўтариб юрар эдингиз-ку? Худди шундай ҳодиса мен билан ҳам содир бўлмоқда. Мени айблашда суягингиз йўқдай, илҳомингиз қайнаб тошади.

Энди сизнинг танқид ўтингизга дуч келган, бундан ўн саккиз йил олдин ёзилган «Ўзбекистон маданияти»даги мақолани кўздан кечирайлик. Менимча, бу мақола ҳам устоз адибга бўлган улкан муҳаббат руҳи билан суғорилган. Яхшиси мақоладан кўчирма келтирайлик: «Атоқли адиб... Абдулла Қодирий ўзбек адабиётида кўп бадиий дурдоналар қолдирди. Миллий адабиётимизда биринчи бўлиб профессионал романлар ёзди, ўзбек романчилигига асос солганлардан бири бўлиб қолди. Санъаткор ўз ижодида тилнинг ширали, рангли ва аниқ, жозибали қилиб беришда, сюжет ва композицияни маҳорат билан тузишда, пухта характерлар яратишда, ўзбек миллий колоритини ифодалашда катта муваффақият қозонди. Айниқса, «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» каби нодир, ўлмас романлари, қатор пухта, пишиқ кичик асарлари китобхонлар оммасига кенг тарқалди, улар асрлардан асрларга ўтиб юришига ишончимиз комил» (2-бет).

Сиз кўчирманинг биринчи жумласини юлиб олиб, ана Ҳ. Абдусаматов ҳам Ж. Шарифийларга ўхшаб бадиийликни эътироф этиб, мазмунни, дунёқарашни инкор қиляпти деб жар солдингиз. Шаклни мазмундан ажратмаслик керак, таҳлилда мазмун билан шаклни бирга қараш керак деб ўрта мактаб талабаларига ҳам яхши маълум бўлган, бадиий ижоднинг алифбоси ҳақида тоза гап сотиб, ақл ўргатмоқчи бўлдингиз. Қизиқ, ўзингиз бўлса «Адабиёт ўз номи билан бадиийдир» («Ўзбекистон коммунисти», 1989 йил 12-сон) деб ёзасиз.

Юқорида айтилган ижоднинг энг асосий компонентлари, наҳотки фақат шаклнигина ташкил этса-ю, мазмундан четда бўлса, бу кулгили эмасми?! Нима учун сиз «бадиий дурдона» деган сўзларни фақат шаклга нисбатан қўллаб, ўтмишда салбий фикр билдирган С. Ҳусайнга мени тенглаштириб, ҳатто, улардан ҳам баттарроқ салбий фикр билдирган деб айтишдан ҳам тортинмадингиз. Мана сизнинг жумлангиз: «Ҳ. Абдусаматов баъзи ўринларда адибга айб қўйишда 20—30-йилларнинг қораловчиларидан ҳам ўтиб тушди» (ўша журнал, 83-бет). Шунчалик ҳам туҳмат бўладими? Ахир бир ўйлаб кўринг, ўтмишдаги қораловчилар Абдулла Қодирийни «миллатчи», «халқ душмани», «ёт унсур», «чет эл жосуси», асарлари буржуа ғоясини тарғиб қилади, десалар, мен улардан ўтказиб сўз санъаткорини қораласам? Шундай гапларни ёзишга, билмадим, қандай қилиб қўлингиз борди? Абдулла Қодирийни сиздан кўпроқ яхши кўрсам кўраманки, кам эмас.

Сизнинг менга осилган жойингиз адибнинг дунёқарашини аниқлаш масаласида бўлди. Ҳақиқатан ҳам мен Абдулла Қодирий ҳаётининг дастлабки даврида унинг дунёқарашидаги чекланганлик томонини, бунинг маълум даражада ижодига таъсир этганлигини айтганман. Бу нарса сизнинг жонингизни чиқариб юборган. Мен эса бу масалага ёндошишда ҳам Қодирийнинг ўзига мурожаат қилганман ва унинг эстетик қарашларидан келиб чиқиб фикр юритганман. «Февраль инқилобидан кейин газеталарда ўрток Ленин номи ва большевик деган гаплар чиқа бошлади. Аммо айта оламанки, ўша вақтларда бизнинг Туркистонда (бугунги Ўзбекистонда) коммунист, умуман социализм маслагидан тублик маълумотга эга бўлғон киши йўқ, бўлса ҳам эҳтимолки, балки битта-яримта бўлғондир. Шунинг учун мен ўзимни бу тўғрида умуман Ўзбекистон ишчи-деҳқонларидан ва букунги масъул ва ғайри масъул ишчиларимизнинг ўша тарихдаги ҳолларидан юқори ўринга қўя олмайман. Яъни, мен ҳам ул вақтларда большевикларга бир онгсиз ишчи, ёки деҳқон ва бир мутаассиб мулла ёхуд имомдан ортиқ баҳо бера олмас эдим. Буюк Октябрь инқилобини ҳам шу йўсин онгсизлик ичида қаршилардим» («Ўзбек тили ва адабиёти», 1967 йил 5-сон, 46-бет). Абдулла Қодирийнинг ўзи даври ва дунёқараши ҳақида қанчалик ҳаққоний мулоҳазалар юритган. Бор гапни инсоф билан гапирган. Бу ҳақиқатни эътироф этиш санъаткорнинг улуғлигини ҳеч қачон камситмайди, аксинча, унга бўлган ҳурмат — иззатни янада оширади. Сиз ҳам олдин ёзган мақола ва тадқиқотларингизда бу фактни қайд қилгансиз, адиб дунёқарашидаги ожиз жиҳатларни тилга олиб ўтгансиз. «Абдулла Қодирий 1926 йил ёзилган биографиясида ўзини Октябрь социалистик революциясининг туб моҳиятига» дарров тушуна олмагани»ни айтади. Бу гапларда ҳақиқат бордир» («Моҳият ва бадиият», Тошкент—1977 йил, 63-бет). Менинг ёзган мақоламдан кейин асос-эътибори билан унга яқин бўлган фикрни, яъни улуғ санъаткорнинг ожизлик жиҳатини қайд қилиб ўтасиз.

«Ҳаёт ва қаҳрамон» (1979) китобингизда эса шундай ёзасиз: «Романнинг хотимасида Отабекнинг чоризмга қарши урушда ҳалок бўлганини биламиз... Тарих шуни кўрсатадики, романда акс эттирилган даврларда кўпгина ўзбек савдогарлари мамлакатда ҳукм сураётган феодал муносабатлардан нолиб Россия ҳукмдорларига мурожаат қилиб турганлар ва баъзан улардан нажот истаганлар. Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси А. Н. Набиев 1959 йилда... илмий сессияда сўзлаган нутқида шундай деган эди: «Тарихий манбалар шуни мутлақо тўғри кўрсатадики, савдогарларнинг асосий қисми, мусулмон қонунчиларининг баъзи қисми Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинишининг тарафдори бўлган». Шундай бир вазиятда ёш савдогарлар табақасининг вакили — Отабекнинг русларга қарши урушда ўлиши реалистик далилланмаган бўлиб, бу ёзувчи дунёқарашидаги чекланишдан келиб чиққандир» (90—91-бетлар). Яна бир жойида бош қаҳрамон тасвирида муаллифнинг бу нуқсонини бошқа масалани ёритишда ҳам зуҳур бўлганини таъкидлайсиз. «Ўтган кунлар»да иккита муҳим момент бор, — деб ёзасиз, бири — асарнинг бош қаҳрамонларидаги чуқур ва кенг тасвирланган инсоний муҳаббат ва миллат ғамини ейиш ҳиссининг тасвири. Шуни ҳам эсда тутиш керакки, асардаги мана шу эстетик асоснинг ўзи чекланган. Чунки Отабекдаги миллат ғамини ейиш ҳисси катта маънодаги ватанпарварлик даражасига кўтарилган эмас. У миллат тўғрисида тор, асосан, ўз табақаси манфаати нуқтаи назаридан фикр юритади» (91-бет).

Яна сиз бош қаҳрамон Отабекнинг янги тартиб учун курашмаганлигини, курашувчиларни ахтармаганлигини, тарих тараққиётига нисбатан ҳаётга муносабатида ғайратсиз эканлигини, у тарих яратувчи бўла олмаслигини таъкидлаб ўтасиз. Булар ҳаммасини «Ўтган кунлар» романининг «чегараланган томонлари» (42-бет) билан боғлиқ деб биласиз. Сиз Эрик Каримов ўз мақоласида Отабекни идеаллаштиргани ва уни «курашчи» қилиб шарҳлаганини қоралайсиз («Моҳият ва бадиият», 23-бет). Сизнинг бу гапларингизга қўшиламан. Улар моҳият жиҳатидан сиздан олдин ёзилган, кейинчалик танқид қилинган мақоламдаги фикрларга яқин. Лекин ҳамма гап шундаки, охирги вақтда эълон қилган мақолаларингизда олдинги айтган мулоҳазаларингизга асос эътибори билан зид қарашлар баён этгансиз. Адиб дунёқарашидаги маълум даражадаги чекланишни жуда катта айб деб ҳисоблаш йўлига ўтиб олдингиз. Шу сабабдан ҳам ўзингизнинг айтган гапларингиз, эҳтимол, эсингиздан чиқиб қолиб, мени «ўққа» тутдингиз. Энди эса адиб дунёқарашида ҳеч қандай чекланиш йўқ деган ғояни зўр бериб тарғиб қилдингиз. «Абдулла Қодирий ижоди эса маъно эътибори билан чигал зиддиятлардан ҳолидир». Бу зиддиятларни кўпроқ «зарбдор» мунаққидлар (шулар қаторида, шубҳасиз ўзлари ҳам бор — Ҳ. А.) яратган» («Ўзбекистон коммунисти», 1989 йил 12-сон, 83-бет). «Ёш ленинчи» (1989 йил 16 июль) газетасида эса бу мулоҳазангизни янада ривожлантириб, санъаткор дунёқараши жиҳатидан бутунлай мукаммал ижодкор сифатида талқин қиласиз.

Сизнинг эстетик қарашларингизда бундан ҳам баттар, кулгили ҳолда бўлган зиддиятлар, ўзингизни ўзингиз инкор қилиш ҳоллари кўп учрайди. Мана далиллардан бири: «...дунёқараш жиҳатдан Ҳамза ҳам биз ўйлагандек бекамі-кўст шоир эмас экан. Бунинг ҳеч айби ҳам йўқ» (журналдаги мақоладан, 83-бет) Қизиқ, жуда қизиқ! Абдулла Қодирий дунёқарашидаги ожиз жойи айтилса жонингиз ҳалқумингизга келиб қолади, бу нарса Ҳамзага нисбатан қўлланилса, «ҳеч айби йўқ» деб хулоса чиқарасиз. Қайси принцип бўйича иш тутасиз, ахир?

Маълумки, мураккаб вазиятда яшаган ва ижод этган Ҳамза ҳам, Абдулла Қодирий ҳам камчилик ва хатоларга йўл қўйганлар. Ҳар бир қаламкаш ўз даврининг гирдобига тушади, воқеликнинг зиддиятларини бошидан ўтказади. Шулардан келиб чиқиб адибнинг дунёқараши аста-секин камол топади, қалами ҳам чархланиб боради. Шу даврларда адиб объектив ва субъектив сабабларга кўра заиф асарлар ёзиши мумкин. Бу нарса, айниқса, эски замоннинг емирилиши ва янги даврнинг бунёдга келиши вақтларида кўпроқ учрайди, бундай бўлиши табиийдир. Янги турмуш тарзини, янгича ҳаётни, ўзгача сиёсий ғояни бирдан ҳазм қилиш амри маҳол. Шу сабабдан ўша даврни бошидан кечирган шоир ва адибларнинг ҳам дунёқарашларидаги заиф томонлари бўлса, уларни ваҳима қилиш марксча-ленинча эстетик таълимотга зид деб биламан.

Адибларнинг сиёсий, диний, эстетик қарашлари уларнинг ижодий ва бадиий маҳоратида ҳал қилувчи ўрин тутмаган. Худди шундай принцип билан Абдулла Қодирий ижодига ёндошсак, адолатли иш қилган бўлардик. Биринчидан, романчининг дунёқарашида заиф томони бўлса ҳам, лекин бу нарса унинг баркамол асарлар яратишига тўсиқлик қилмади. Шу сабабдан ҳам сизга ўхшаб ваҳима қилиб, «шу йўсинда унинг бутун ижоди инкор қилинди» (журналдаги мақоладан), «боши берк кўчага олиб келиб» қўйилди, «романлари янгидан тазйиқ остига» олинди, янгидан «асоратга» солинди, «истеъдодни сафдан» чиқарди деб бонг уриш кулгили ва ҳақиқатга хилофдир. Сизнинг кўпгина мақолаларингизнинг руҳи — унинг ҳақида ҳеч қандай илиқ гаплар бўлмади деган тарзда талқин этишдан иборат. Бундай туҳматомуз фикр-мулоҳазаларни охирги вақтда авжига чиқариб юбордингиз. Адолат нуқтаи назаридан айтайликки, илгариги ишларингизда кўп ҳаққоний фикрлар ҳам изҳор этгансиз. Мана улардан бири: «Ҳозирги кунда ўзбек романининг туғилишида, ташкил топишида ва ривож этишида А. Қодирийнинг ғоят катта ва муҳим роль ўйнаганлигига ҳеч ким ҳам шубҳаланмайди» («Ответственность перед временем — ответственность за мастерство», «Фан», Тошкент — 1977, 64-бет). Бу тўғри фикрни кейинчалик инкор қилишингиз кишини ачинтиради. Сизнинг юқоридаги фикрингизни рад этувчи фактларни келтирмасдан ўта олмайман. Абдулла Қодирий оқлангандан кейин тездан унинг романлари, қиссаси ва кичик ҳажвий асарлари чоп этилди. Улар қайта-қайта нашр қилинди. Адибнинг ижодига бағишланган кетма-кет диссертациялар ёқланди, юзлаб мақолалар босилди. 1962 йилда чиқарилган «Ўзбек адабиёти тарихи очерклари»да Абдулла Қодирий ижоди катта ўрин эгаллайди. Қисқа вақт ичида чиққан А. Алиев, Ф. Насриддинов, И. Мирзаевларнинг китобларини айтмайсизми? Адибнинг ижодига аҳамият берилмаган факт сифатида сиз 90 йиллик юбилейини мисол қилиб оласиз. Бу гапингизга ҳам қўшила олмайман. Қодирийнинг 90 йиллиги пойтахтимиздаги Киночилар уйида катта тантана билан ўтказилганди. Тўғри, адибнинг ижодини камситиш даври узоқ чўзилди, бу ҳаммага маълум. Лекин ёмон муносабат 1989 йилгача давом этди, дейишингизга асло қўшила олмайман.

Кўп мақолаларингизда Қодирий ва Ҳамза муносабатлари, улар ижодининг талқини масаласи эгаллайди. Сиз бир неча йиллардан бери Ҳамзани кўкларга кўтариб, уни такрор-такрор ўзбек совет санъати ва адабиётининг асосчиси деб таърифлаб келдингиз. 1979 йил 28 мартда «Правда Востока» газетасида босилган «Халқ фарзанди — халқ куйчиси» деган мақолангиздан бошлаб «Ҳамза маҳоратидан лавҳалар» (1986), «Эволюция творчества Хамзы» (1989) деган китобларингизгача шу таъриф олдинга сурилади. Баъзи мақолаларингизга А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг директори сифатида қўл қўйгансиз, бу нарса бутун бошлиқ коллективнинг фикридай бўлиб ўқувчилар томонидан қабул қилинди.

Сизнинг «Собит курашчи ва улуғ новатор» («Ҳамза ижоди ҳақида», «Фан» нашриёти, 1981) мақолангизда унга берган баҳоингизни эслаб ўтишни ўринли деб биламан: «...Жамият тарихида шундай шоир ёки адиблар борки, улар ўз халқи, миллати, маданияти тарихида янгиликсеварлик, новаторлик хусусиятлари билан бутун бир даврни бошлаб берганлар, адабиёт ва санъат тараққиётини бир босқичдан иккинчи босқичга кўтарганлар. Узоқ ўтмиш тарихимизга назар ташлаб, ўзбек адабиётини асослашда Алишер Навоийнинг роли шу хилда бўлганини англаймиз. Яқин ўтмиш тарихимизга назар ташлаб, ўзбек совет маданияти тарихида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг роли худди шундай бўлганлигини идрок этамиз. Ҳамза туфайли эса Алишер Навоийдан кейин асрлар давомида кўпроқ бир маромда тараққий этиб келган ўзбек адабиёти янги сифат ўзгариш касб этди. Ҳам мазмунан, ҳам шаклан тарихимизда кўрилмаган йўлга тушиб олди. Янги тарихий шароитда адабиёт инсон қўлида бениҳоя катта куч эканини Ҳамза ўз ижоди билан исбот қилиб берди» (14—15-бетлар). Ҳа, Ҳамзага бундан юқори баҳо бериш мумкин ҳам эмас.

Сизнинг таърифингизча, Ҳамза — янги даврнинг Алишер Навоийси. Юқоридаги тўпламга сиз масъул муҳаррирлик қилгансиз ва Ҳамзанинг оламшумул аҳамиятини, янги адабиётнинг асосчиси эканлигини исботлаб берувчи қатор мақолаларни маъқуллагансиз.

Сиз Ҳамзанинг улуғлигини ва чексиз хизматларини изчиллик билан тарғиб қилдингиз. Бу соҳадаги сизнинг юқори нуқтага кўтарилган ишингиз «Ҳамза маҳоратидан лавҳалар» китобингиз бўлди. Лекин ҳамма бало шундаки, энди ўзингизни гўё юқоридаги тадқиқотларни чоп этмагандай кўрсатяпсиз. Ҳамза ҳақидаги сизга ўхшаб фикрлаганларни савалаб, улардан нуқсон ва хатолар қидириб кетдингиз. «Ўзбек адабиёти ва маданиятидаги барча ишларни фақат Ҳамза номи билан боғлаб қўйиш Ҳамза қиёфасини ўта сохталаштиришга олиб келади» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1990 йил, 12 январь № 2, 3-бет). Маданият соҳасидаги ютуқларнинг барчасини Ҳамзага боғлашнинг биринчи сафида сиз тургансиз-ку?! Шундай экан, сохталикка йўл қўйганлардан бири ўзингиз эконсиз-да?!

Сиз «Битта миллий адабиётнинг битта асосчиси бўлади» деган олимларни (Л. Қаюмов, С. Мирвалиевлар) қоралаб кетдингиз, бундай фикр «ғоятда кулгили ва ачинарли бўлиб туюлади» деб шовқин — сурон соляпсиз. Ахир бундай фикрнинг энг оташин тарғиботчиси ўзингиз-ку! Нега булар ҳақида лом-мим демайсиз? Ҳозир эса ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза, Абдулла Қодирий ва бошқа адиблар деб бонг уряпсиз. Фараз қилайлик, сиз ҳақсиз! Шундай бўлса нега олдинги фикрларингиздан воз кечиб, бошқа томонга ўтиб олганлигингизни тан олмайсиз? Сизнинг қуйидаги сўзларингизда жон бор: «ҳар бир давр талаби билан ҳақиқатни ҳар хил талқин қилавериш тарихийликка хилоф иш эмасми?!» («Ёш ленинчи», 1988 йил, 16 июль, № 135). Ҳа, бу гапга ўзингиз амал қилсангиз, сизга қалбдан ташаккур айтган бўлардик. Афсус, минг афсуски, давр талаби билан ҳар хил мақомга тушдингиз.

1982 йилда Тошкент шаҳар партия комитети А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг фаолиятини муҳокама қилганда унда юз берган жиддий камчилик ва хатоларни очиб ташлаган эди. Булар эсингиздан чиқиб қолган бўлса керак. Ҳақиқатни тўғри ёритиш учун уларни ёдингизга солиб қўйишни лозим топаман. Институтда давлат ва меҳнат интизомининг бўшашиб кетганлиги, кўп ишлар бажарилмаганлиги, қилинган айрим тадқиқотларнинг сифати пастлиги, биронта ҳам аспирант диссертациясини ўз вақтида ёқламаганлиги, битмаган ишларни бажарилди деб юқори ташкилотларга ҳисобот берилиши, молиявий интизомнинг бузилиши, директор ўз мансабини суиистеъмол қилиши каби жиддий нуқсонлар қайд қилиб ўтилган эди. Шу сабабдан ҳам шаҳар партия комитети институт раҳбарлигини кўриб чиқиш ва уни мустаҳкамлаш масаласини Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президиумига топширди. Президиум бу топшириқни бажариб, сизни директорлик лавозимидан озод этди. Характерли томони шундаки, шу масаланинг муҳокамасида академия раҳбарлари ҳамда сиз қарор тўғри эканлигини таъкидлаб шаҳар партия комитети катта ёрдам берганлиги учун раҳматлар айтган эдингиз. Бу қарор сизга жуда маъқул тушди шекилли, ўзингизнинг ижобий муносабатингизни завқ-шавқ билан матбуотда баён қила бошладингиз.

Ўша кезларда Ёзувчилар уюшмаси партия ташкилотининг котиби бўлган Туроб Тўла қарорни ҳимоя қилгани, институт ходимларининг «баъзи илмий ишларида» бирёқламаликка йўл қўйилган дегани учун балога қолади. Ахир, сизнинг мулоҳазаларингизни ҳимоя қилгани учун Туроб Тўлага ташаккур билдирмайсизми? Бу инсофдан бўларди. Агарда бу масалада танқид лозим бўлса, уни аввало сиздан бошлаш керак, чунки мақтовни ўзингиз бошлаб бергансиз.

Гўё «субъективизм йўналишида қабул қилинган мазкур қарорда» («Тошкент ҳақиқати», 1990 йил 6 январь) жадидизм реакцион оқим сифатида қаралган деб фиғонингиз фалакка кўтарилади. Мен жадидизм қандай оқим эканлигини таҳлил қилиш ниятида эмасман. Бу нарса мутахассислар ўртасида баҳсларга сабаб бўлаётганлигини айтиб ўтмоқчиман, холос. Лекин асосий гап бошқа ёқда. Сиз кейинги вақтда жадидизмни тўла равишда оқлаб, уни идеал оқимдай тақдим эта бошладингиз. Ҳамма гап шундаки, илгари бу масалага салбий муносабатда бўлган, лекин маънавий жиҳатдан қувватлаган ёзувчи ва олимларни эса энди танқид ўтига тутяпсиз.

Фаолиятингизнинг ўзига хос хусусияти шундаки, сиз шамолнинг оқимига қараб мослашиб олиб, ўтмишни тафтиш қилиб, ўзингизни идеал тадқиқотчи қилиб кўрсатишга уриниб, ўзгаларни «камсавод», «зарбдор»лар деб камситаяпсиз. Фақат шахсга сиғиниш давридагина эмас, балки турғунлик йилларида, ҳаттоки Чўлпон ва Фитрат оқлангандан кейин ҳам улар ҳақида дурустроқ илиқ гап айтмасдан, ҳаттоки уларни ашаддий миллатчи деганда ҳам оғзингизга талқон солиб олиб, ошкоралик туфайли масала ҳал бўлгандан кейин ўзингизни фан оламидаги қаҳрамон қилиб кўрсатмоқчи бўлиб майдонга отилдингиз. Бу нарсани ҳам шахсий мақсадларингиз йўлига йўналтирдингиз. Бундан мақсадингиз шу эдики, биринчидан, адабий меросни қурол қилиб олиб, ўзингизга ёқмаган ҳамкасбларингизни камситиш, иккинчидан эса, Чўлпон ва Фитратнинг ҳақиқий фидойиси, бирдан-бир ҳимоячиси қилиб кўрсатиб, жамоатчилик олдида арзон обрў орттириш.

Маълумки, сизга қараганда Чўлпон ва Фитрат адабий меросини ўрганиш комиссияси жуда катта ишлар қилди. Комиссия аъзолари икки адибнинг топилган барча асарларини синчиклаб мутолаа қилиб, пучини пучга, тўкини тўққа ажратиб берди. Уларнинг ижодларини тарғиб қилиш ва асарларини чоп этиш масаласини кенг планда кўриб чиқди.

Институт коллективи томонидан ёзилиб, Москвада чоп этилган «История узбекской советской литературы» («Наука», 1967) китобида жадидлар халқ тарихининг энг муҳим босқичларида реакцион роль ўйнаганлиги (13-бет), Фитрат миллатчи эканлиги, социалистик революцияга душманларча қараганлиги (27-бет), Чўлпон ҳам йиқитилган буржуа синфининг намояндаси сифатида майдонга чиққанлиги (42-бет) қайд этилган. Кейин чоп этилган «Ўзбек совет адабиёти тарихи»нинг тўрт китобида ҳам юқоридаги мулоҳазалар асосан қайтарилади. Шуни назарга олишимиз керакки, олий ўқув юртлари учун дарслик йўқ вақтида Тил ва адабиёт институти коллективи тайёрлаган бу тарих ўқув қўлланмаси сифатида қабул қилинган ва талабалар шу китоблардан маънавий озуқа олганлар. Қизиғи шундаки, сиз бош-қош бўлиб тайёрланган ва чиқарилган «Ўзбек совет адабий танқиди тарихи» (икки жилдлик, Тошкент—1987) ва «История узбекской советской литературы» (1-жилд, Тошкент—1987) китобларида ҳам эскича қарашлар, олдин берилган кўп баҳолар ўз аксини топган. Мана бир исбот: «20-йилларнинг муҳим хусусияти адабиётнинг ва адабий танқиднинг кескин синфий кураш шароитида ривожланишидир. Бу ҳодиса конкрет тасаввур қилиш учун аксилинқилобий миллатчилик ғояларини ўз ижодида ифода этган Чўлпон асарлари ва мақолаларида адабий танқидда муносабат қандай бўлганини кўрсатиш кифоя» (1, 60-бет).

Ҳурматли М. Қўшжонов! Шу далилларга асосланиб шуни айтмоқчиманки, сизнинг мурувватингиз ҳам, ғазабингиз ҳам адолатни, ҳақиқатни рўёбга чиқаришга хизмат қилсин. Адоват эмас, адолат лозим. Олдин бир ўзингизга яхшилаб боқиб, қилган ишларингиз ва ёзган асарларингизни чиғириқдан ўтказиб, ундан кейин бошқа ҳамкасбларингиз тўғрисида фикр юритсангиз яхши бўларди.

Камоли эҳтиром билан:
**Ҳафиз АБДУСАМАТОВ.**

АКС САДО

---

ЎЗБЕКИСТОН ССР ИЧКИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИ ВА ПРОКУРАТУРАСИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

# МИШ-МИШЛАРГА ИШОНМАНГ!

Кейинги вақтда Тошкентда ва республикамизнинг бир қанча областларида туб аҳолига мансуб бўлмаган кишиларга нисбатан гўёки ур-йиқитлар ва зўравонлик хатти-ҳаракатлари бўлиши тўғрисида миш-мишлар тарқалди. Одамлар орасида саросима уруғини сочиш мақсадида қилинаётган бу иғвогарликлар тарқатилаётган варақаларда янада авж олдирилмоқда. Варақаларда дўқ-пўписалар, миллатчилик руҳидаги шиорлар эълон қилинган, турли хил иғвогарона уйдирмаларга зўр берилган.

Шу кунлардаги муайян аҳволни таҳлил этиш ана шу ифлос иғвогарликлар ҳеч қандай асосга эга эмас, деган хулоса чиқаришга имкон бермоқда. Тегишли идоралар варақалар ва миш-мишлар тарқатаётганлар, иғвогарлик ҳаракатлари, тартибсизликларга ундаётган кишиларни аниқлаш ва улар фаолияти пайини қирқиш юзасидан қатъий чоралар кўрмоқда.

Чунончи, Э. Р. Иброҳимов, Ш. Г. Гусейнов, М. Н. Хайруллаев ва бир қанча бошқа кишилар шундай иш билан шуғулланаётганликлари аниқланди ва прокуратура уларни расмий равишда огоҳлантирди. Миллий адоватни авж олдиришга, турли миллат кишилари ўртасида можаролар келтириб чиқаришга ундовчи варақаларни тарқатиш ҳодисалари юзасидан ҳам қаттиқ текширув олиб борилмоқда.

Республикамиздаги ҳозирги вазият тўла назорат қилинмоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари жамоатчиликни жамиятга қарши бирор-бир воқеаларнинг олдини олиш, уларни келтириб чиқарадиган сабабларни бутунлай йўқотиш, ёмон мақсадда миш-мишлар ва варақалар тарқатаётганларни излаш борасида ўтказилаётган ишлар тўғрисида мунтазам хабардор қилади.

Қайта қуришга қарши муайян кучлар ҳамда жамиятга қарши унсурларнинг сафсатабозлик ва туҳмат-бўҳтон йўли билан республикамиздаги аҳволни издан чиқариш, кескинлаштиришга уринишларининг пайи қатъий равишда қирқилади. Ўзбекистон меҳнаткашлари давлат идоралари социалистик қонунчилик ва жамоат тартибига тўла риоя этилишини таъминлаш қувватига эга эканликларига шубҳа қилмасликлари керак.

Бунинг учун тегишли ҳуқуқий воситалар ҳам, совет кишиларининг турмуш ва меҳнат маромини сўзсиз таъминлай оладиган бирдан-бир хоҳиш-иродаси ҳам бор.

